



108
Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
HOKIMI

ҚАРОР

1 январь

№ 10-К

худудидан оқиб утувчи
каналларнинг муҳофаза доирасини
қирғокбуйи минтакаларида
мустахкамлаш ишларини олиб бориш
«Зарводий» сув хужалиги
бошқармасига ер майдони ажратиш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув хавзалари, дарёлар, каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек ичимлик суви ва маиший сув таъминининг даволаш ва маданий соғломлаштиришдаги ишлатиладиган сув омборларининг сувини муҳофаза қилиш зоналари хақида»ги қарорининг ижросини таъминлаш ва вилоят худудидан оқиб утувчи каналларнинг муҳофаза доирасини қирғокбуйи минтакаларида мустахкамлаш ишларини олиб боришни таъминлаштириш ҳамда Гузалкент, Жомбой, Каттакургон, Булунгур, Нуробод, Тойлок туман хокимларининг қуйидаги қабул қилган қарорларини куриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Вилоят худудидан оқиб утувчи каналларнинг қирғок буйи минтакаларида мустахкамлаш ишларини олиб бориш учун Гузалкент туман хокимининг 2001 йил 22 декабрда 95-К, Жомбой туман хокимининг 2001 йил 2 февралдаги 53-К, Каттакургон туман хокимининг 2001 йил 3 мартдаги 65-К, Булунгур туман хокимининг 2001 йил 13 июлда 979 -К, Нуробод туман хокимининг 2001 йил 9 апрелдаги 179-К, Тойлок туман хокимининг 2001 йил 11 сентябрдаги 545/9-К, Челак туман хокимининг 2001 йил 11 октябрдаги 106-К рақамли қарорлари билан Республика «Зарводий» сув хужалиги бошқармасига хужаликлар ва ер турлари курсатилган жами 385,3 гектар ер майдони ажратилсин.

«Зарводий» сув хужалиги фойдаланиш бошқармаси (С.Курбонов)га каналларнинг қирғокбуйи минтакаларида мустахкамлаш ишларини таъминлаштириш ва табиатни муҳофаза қилиш кумитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бориш топширилсин.

Вилоят ер ресурслари бошқармаси (С.Курбонов)га ер тугрисидаги хисоботларга асосан ҳисоблаштиришлар киритиш топширилсин.

Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят хокимининг 3-ўринбасари 3.Пуллатовга топширилсин.



Вилоят хокими

Ш.Мирзиёев